

БАХШИЧИЛИК – ЎЗИМИЗ, ЎЗЛИГИМИЗ

Сувонова Озода Шухрат қизи

*Тарих факультети Маданият ва санъат муассасаларини
ташкил этиши ҳамда бошқарии ийналиши 308-гурух талабаси
88 583 19 02*

Аннотация: Мазкур мақолада ўзбек халқ бахшичилигининг инсон ўзлигини топишидаги орни ҳақида фикр муроҳазалар билдирилган.

Калит созлар: бахши, достон, терма, достон туркуми, тасниф, типология, нома, ички овоз, дўмбира, устоз, XX аср.

Abstract: This article discusses the role of the Uzbek people's generosity in finding a person's identity.

Key words: bakhshi, dostan, terma, dostan series, classification, typology, noma, inner voice, dombira, teacher, 20th century.

Абстрактный: В данной статье рассматривается роль щедрости узбекского народа в обретении идентичности человека.

Ключевые слова: бахши, достан, терма, достанный ряд, классификация, типология, нома, внутренний голос, домбира, учитель, XX век.

Бахшининг дўмбирасидан тараалаётган куй, унинг ширали овози киши қалбини беихтиёр тўлқинлантиради, жунбушга келтиради. Халқ қалбининг нолаларидан яралган достонлар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб инсоният маънавий тараққиётига хизмат қилиб келмоқда. Негаки, ўзбек халқ достонларида халқимиз бадиий тафаккурининг жуда бой ва қадимијананалари мужассам.

Достончилик санъатининг бундай бадиий анъаналари халқ бахшиларининг такрорланмас амалиёти ва тинимсиз меҳнати билан бизгача етиб келган. Шу тариқа бир-биридан гўзал, бир-биридан сара термалар ва достонлар бутун салобати ва малоҳати билан ҳали-ҳануз тингловчиларни баҳраманд этиб келмоқда. Улар қадимдан инсон қалб торининг энг нозик ришталарини қўзгатган, эстетик ва руҳий озуқа улашиб келган. Бахши — қўшиқ ва достонларни ёддан қуйловчи, айтувчи, авлоддан-авлодга етказувчи санъаткор, халқ достончиси. Улар ижрочи ва ижодкор бахшиларга бўлиниб, ижрочи бахшилар, асосан, устозидан ўрганган достонларни жузъий ўзгаришлар билан айнан куйлайдилар.

Ижодкор бахшилар эса оғзаки эпик анъана асосида достоннинг ўз варианлари, ҳатто улар асосида янги достонлар ҳам яратадилар. Бахшилар достон ва қўшиқларни қўбиз, дўмбира, дугор каби созлар жўрлигига

куйлайдилар.

Е.Поливановнинг ёзишича, “бахши” сўзи асли хитойча бўлиб, хитойча raksi сўзи- “устоз”, “ёзувчи”, “котиб” маъноларини англатади. У асосан шомон эътиқодли турклар тилида “тўй-тантаналарни бошқарувчи киши” маъносида ишлатилган. Профессор Э.Р. Тенишев “бахсе” сўзи уйғур тилининг шарқий лаҳжасида “бахши”, “табиб”, “шомон”, шунингдек, долан лаҳжасида “афсунгар, “фолбин; уйғур ёдномаларида эса “устоз”, “шогирд” маъноларини ифодалаганини ёзди. В.В. Бартольд Туркистон ҳукмдорларининг форсча билмаган котиблари ҳам бахши деб аталганини қайд этади.

Охунжон Сафаровнинг маълумотларига кўра, фавқулодда хотира қудратига эга бўлган Пўлкан шоир етмишдан ортиқ достонни ёддан билган. Ҳар бир достон икки-уч минг сатрдан тортиб, ўн-ўн беш, ҳатто йигирма минг мисрагача шеърни, қарийб шунча прозаик қисмни ҳам ўз ичига олишини ҳисобга олсак, халқ бахшиларининг салоҳияти, ҳайратомуз ёдлаш ва эсда сақлаш қобилияти, ижод қилиш қудрати ўз-ўзидан аён бўлади. XX асрнинг ўрталарида ижод этган Пўлкан шоир 76 та, Фозил Йўлдош ўғли 60 та, Эргаш Жуманбулбул ўғли 50 та, Мардонақул Авлиёқул ўғли 43 та, Юсуф Ўтаган ўғли 31 та, Бола бахши 20 та достонни, 60-70 йилларда ижод этган Қодир бахши Раҳимов 62 та, Тош шоир 20 та, Сайдмурот Паноҳ ўғли 17 та достонни ёддан билганлар.

Ўзбекистон халқ бахшилари Шоберди Болтаев, Абдуназар Поёнов, Боборайим Маматмуродов, Қора бахши Умиров, Абдуқаҳкор ва Абдумурот Раҳимовлар, Шомурод Тоғаев, Зиёдулла Исломов, Норбек бахши Абдуллаев, Қаландар бахши Норметовлар бетакрор ижролари билан бахшичилик санъати ривожига муносиб хисса қўшдилар. Ўзбек достончилигида анъанавий достон куйлаш тартиби бор. Бахши таклиф қилинган меҳмонхонага барча эшитувчилар қатор қўр ташлаб ўтирганлар. Бахшини энг тўрга ўтқизганлар.

Достон айтувчи ижро давомида ҳар бир тасвирга мос сўз ва қуй топиб, авжга чиқиб боради, ўзларининг таъбири билан айтганда “қайнайди”. Бундай пайтларда тўрдаги бахши пойгакка, томошабин эса, тўрга чиқиб қолганини ҳеч ким пайқамай қолади. Бахши таклиф қилинган қишлоқ ёки хонадонда достончилик кечалари баъзан бир неча кун давом этади. Она юртга садоқат, муҳаббат, дўстлик, биродарлик, қаҳрамонликни тараннум этувчи хилма-хил мазмундаги достонларни бахшилар севиб куйлайдилар.

Республикамизнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм вилоятлари ҳамда Қарақалпоғистон Республикаси ҳудудларида бахшичилик санъати ривожланган бўлиб, ҳозирги кунда Булунғур, Қўрғон, Шахрисабз, Қамай, Шеробод, Жанубий Тожикистон, Хоразм ҳамда Қарақалпоқ достончилик мактаблари мавжуд. Улар бир-биридан ижро усуллари ва репертуарлари билан фарқланадилар. Хоразм достончилик мактаби вакилларининг ижросида асосан,

мусиқа етакчилик қиласи ҳамда матнлар ёд олинади. Қўшиқларнинг матнини яратишда мумтоз адабиёт шеърий жанрларининг ҳамма қоидаларига амал қилинади.

Бахши сўз ҳамда қўшиқни очик овозда дутор ёки тор билан доира жўрлигida ижро этади. Улар эпик асарларни тўла ижро этишдан кўра, парчалар, термалар ва ўзлари яратган асарларни қуйлашга алоҳида эътибор берганлар. Эпик асарларни элга етказиша Ўзбекистоннинг деярли барча ерларида якка ижрочилик ҳукмрон бўлса, Хоразмда, асосан, жамоавий ижрочилик етакчилик қиласи. Хоразм достончилиги репертуар таркиби жиҳатидан ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, бу ерда қаҳрамонлик достони “Алпомиш” учрамайди, аксинча, ишқий-романик достонларнинг аксарияти республикамизнинг бошқа ерларида мавжуд эмас.

Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд бахшичилик мактаби вакиллари дўмбира жўрлигida бўғиқ, яъни ёпиқ овозда қўшиқ ижро этиб, очик овозда достон жараёнига таъриф берадилар. Шеробод бахшичилик мактаби достонлари ўзининг соддалиги, мадхининг ихчамлиги билан фарқланади. Ушбу достончилик мактабининг йирик вакилларидан бири Ўзбекистон ҳалқ баххиси Шоберди бахши Болтаевдир. Алпомиш, Кунтуғмиш, Авазхон, Ойпарча каби ўнлаб достонларни завқ билан куйловчи Шоберди бахшининг ўз ижро услуби бор. У куйлаган достонлар бадиий мукаммаллиги ва жозибадорлиги билан алоҳида ажралиб турди. — Ҳалқ достончиси сўз заргари бўлиши лозим. Бу эса ўз навбатида табиий истеъдод, кучли идрок, муңтазам равишда қунт ва чидам билан машқ қилишни талаб этади, дейди Шоберди бахши. -Бахши ҳалқ турмуши ва маданиятини, ўзи яшаб турган юрт тарихини ва бирор соз чалишни билиши, ҳофизлик санъатини пухта эгаллаган бўлиши керак. У жонли ҳалқ тилининг турли шаклларидан, сўз ўйинлари ва қочиримларидан, ҳалқ мақоллари ва ибораларидан унумли фойдалана олиши лозим.

Тингловчиларни ром этувчи оҳанг топа билиш, достонни жозибали ва қизиқарли қилиб айтиш достон айтишнинг асосий талабларидан. Ҳалқимизнинг ўлmas дурдонаси-достонлар матнларини мактаб дарслкларига киритиш лозим. Фарзандларимизни миллий қадриятларимизга содик, ўзбекона руҳда тарбиялашда эзгуликка чорлайдиган, ватанпарвар, адолатли, мард, жасур бўлишга ундовчи достонларимизнинг ўрни бекиёс. Шунинг учун ҳам қўплаб достончилик мактабларини ташкил қилиш, ҳаётий, ҳалққа яқин, давримизга ҳамоҳанг достонларни яратиш лозим. Шукурки, истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори бахшичилик санъатига ҳам катта эътибор берилди. “Ўзбекистон ҳалқ баххиси” унвони таъсис этилишининг ўзи ҳам юртимизда миллий қадриятларимизни тиклашга қаратилган ана шундай юксак эътибор намунасидир. Хозиргача фольклоршунос олимлар томонидан 300 га яқин достон

номлари аниқланган бўлиб, улар миллий ўзликни англаш, тарихни ўрганиш, ўзбекона урф-одатларни тарғиб этишда муҳим восита бўлиб хизмат қиласди.

Бахшичилик санъатини сақлаб қолиш, қайта тиклаш, ўрганиш ва келажак авлодга етказишида Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ти қонуни, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2010 йил 7 октябрда тасдиқланган “2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастури” хуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мунтазам равишида ўтказиб қелинаётган Бахши шоирлар ва оқинларнинг анъанавий Республика қўрик-фестивалини ўтказишидан мақсад ҳам бахшичилик ва достончилик санъатини ривожлантириш, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият олиб бораётган бахши-шоирлар, оқинлар, жировлар ва халфаларнинг ижодий ишлари билан яқиндан танишиш, уларга амалий ёрдам бериш ва ёшларнинг бой маънавий меросимизга бўлган қизиқишини оширишдан иборат.

Бахшилар ижроларини аудио, видео тасмаларига ёзиб олиш, китоб ҳолига келтириш, намаларни нотага олиш, шу достонлардан имкон даражасида фильмлар яратишини йўлга кўйиши достончилик мактабларини ривожлантиришдаги асосий вазифалардан биридир. Зоро, халқ достонлари миллий ифтихор ва ўз-ўзини англаш, ватанпарварлик, дўстлик, биродарлик туйгуларини тарбиялашда “ҳаёт мактаби” вазифасини ўтайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев. Ш. М. Халқ сўзи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019.
2. Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир. Т., 1980. – 4-сон.
3. Юнусов Р. Ўзбек халқ мусиқа ижоди. 2-қисм. Т., 20004. Ёрматов
4. И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе: Автореф. дисс. ... канд. филол.наук. – Ташкент, 1985.